Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 18 ноябрь, шанба. №141. (21.904) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

ЎЗАРО ИШОНЧ – ҲАМКОРЛИГИМИЗ АСОСИ

Илгари хабар қилинганидек, 14-16 ноябрь кунлари Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Германияда бўлди.

Германия Федератив Республикаси Ўзбекистон билан кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўяётган дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан биридир. Шуниси қувончлики, бу ҳамкорлик доимий равишда кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўтган йилги товар айирбошлаш ҳажми 209,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг тўққиз ойидаёқ 226 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлди. Ўзбекистондаги 60 га яқин корхона германиялик сармоячилар иштирокида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, «Мерседес-Бенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирмалар, К. Аденауэр жамғармаси мустақил Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг кашшофлари бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Баден-Вюртемберг федерал ери эса Германиянинг энг саноати ривожланган, қудратли музофотларидан бири ҳисобланади. У ўзининг теран маданияти билан ҳам шуҳрат қозонган. Ислом Каримов Германияга ўз ташрифини шу ердан бошлади. Бунинг сабабларидан бири Штутгартдаги «Линден — музей»да «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиши эди.

Давлатимиз раҳбари 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меъморлик - конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом ал-Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа бош меъмори доктор Бодо Раш билан исломий меъморликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашди. Буюк аллома — Имом ал-Бухорийнинг Ислом оламида тутган ўрни беқиёслигини, зеро унинг мақбараси ҳам дунёдаги машҳур қадамжолардан қолишмайдиган даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шундан кейин ўзбекистонлик меҳмонлар Штутгартдаги ҳукумат уйи «Янги қаср» қароргоҳига йўл олдилар. Бу ерда давлатимиз раҳбари Баден-Вюртемберг федерал ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан учрашди.

— Ўзбекистонга бизнинг қизиқишимиз катта, — деди Д. Шпёри. — Буни шундан билса бўладики, сентябрь ойида Тошкентда ўтган кўргазмада қарийб 100 та фирмамиз қатнашди. Германиянинг иқтисодий қудрати — ўрта ва кичик тадбиркорликнинг тараққий этганидадир. Чунки нисбатан мўъжаз корхоналар бозор талабига тез мослашади. Бизда катта-катта концернлар ҳам ана шундай мустақил бўлинма — кичик корхоналардан иборат. Бу йўлда Баден-Вюртемберг ери ҳукумати ўз тажрибаси билан бажону дил ўртоқлашади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди. Унинг истиқболлари тўғрисида, хусусан, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Баден-Вюртемберг фирмалари ўртасида алоқа боғлашга келишиб олинди.

Шу куни пойабзаллари оламга машҳур «Саламандер», шунингдек «АББ», «Круп» концерн ва фирмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув бўлди. Ислом Каримов уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди. Ислом Каримов дунёга донги кетган концернлардан бири «Даймлер - бенц»нинг Штутгарт — Миёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюрди. Маълумки, биз билан яқин алоқа боғлаган «Мерседес-бенц» фирмаси ҳам мазкур концерн таркибига киради. Бу ерда концерн раҳбарлари билан мулоқот бўлди.



Суратда: Германия Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

— Биз «Мерседес-бенц» орқали Германияни кашф этган эдик, — деди Ислом Каримов мулоқотда. — Германия орқали эса Европани кашф этмоқчимиз. Чунки, Германия тимсолида ишончли, сўзида қатъий ҳамкорни кўрамиз. Биргаликдаги фаолиятимизнинг дастлабки натижалари бу фикрни тўла тасдиқлаб турибди. Умуман ўзбек ва немис халқлари ўртасида уйғун жиҳатлар жуда кўп. Бу аввало очиқ кўнгиллик, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, меҳрибонлик ва, энг муҳими, бир сўзлиликдир. Ана шу фазилатлар ҳамда ўзаро қатъий ишонч ҳамкорлигимизни ривожлантиришга асос бўлади.

— Биз Сизни самимий дўст деб биламиз, — дейди «Даймлер — бенц» концерни бошқаруви раиси Юрген Шремпп Президент Ислом Каримовга — Сизнинг улкан давлат арбоби, сиёсатдон эканингиз, айниқса, иқтисодиёт масалаларини теран тушунишингиз бизга маълум, Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлардан, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ҳаракатлардан хабардормиз ва Сизнинг бу йўлингизни тўла эътироф этамиз. Бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Айниқса, менимча, авиация, юк ва йўловчи ташиш, сайёҳлик ва молиявий таъминот соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятларимиз катта. Мен Сизни ҳар хил ғояларни ўртага ташлашдан кўра, уларни амалга оширишни хуш кўрадиган арбоб сифатида биламан. Шундай экан, ҳамкорлигимиз истиқболлари самарали бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер-бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим қабул қилинди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ва концерн таркибига кирувчи «Дебис АГ» фирмаси бошқаруви раиси К. Мангольд имзоладилар.

Президентнинг Германияга бу галги ташрифи дастуридан иқтисодий масалалардан ташқари, маданий тадбирлар ҳам кенг ўрин олганди.

— Маданиятни камол топтирмасдан иқтисодиётда юксак натижаларга эришиб бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — Бу гап давлатлар ўртасидаги алоқаларга ҳам тегишли. Чунки, ҳар бир давлат ким билан ҳамкорлик қилаётганини, мазкур халқнинг руҳиятини, табиатини, қисқача айтганда, маданиятини билиши керак. Шу маънода, Германия бизга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам буюк маданияти билан ишончли ҳамкор бўла олади. Қолаверса, мен БМТнинг 50 йиллигига бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилган тантанали йиғилишда Германия Федератив Республикасини Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши ҳақидаги таклифини бежиз олга сурмадим. Зеро, Германия бунга ҳар жиҳатдан муносибдир.

«Линден-музей» Баден-Вюртемберг ерининг энг нуфузли маданий марказларидан биридир. Бу ерда «Буюк ипак йўли ворислари: Ўзбекистон» кўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Кўргазмага қўйилган осори атиқалар Туронзамин халқларининг қарийб уч минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Маросимда Президент Ислом Каримов бой тарихий меросимиз, халқимиз руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирди. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек каби буюк салафларимизнинг давлатчилик, маданият, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида батафсил сўзлади. Мазкур кўргазма ўзбек ва немис халқларини бир-бирига яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қадимий Буюк ипак йўли қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб халқларига нафақат моддий товарлар, балки маърифат ва маданият, фаровонлик ва саодат элтувчи йўл бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамроҳлигида кўргазмани кўздан кечирди. Ўзбек санъаткорлари йиғилганлар учун концерт намойиш этди.

16 ноябрь куни мамлакатимиз делегацияси аъзолари Германия Федератив Республикаси пойтахти — Бонн шаҳрига келдилар. Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Петерсберг» ҳукумат қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги давлат котиби Л. Шомейрус билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада такомиллаштириш борасида фикрлашилди.

Сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда делегация аъзолари Германия Федерал Президентининг «Ҳаммершмидт» қароргоҳига йўл олдилар. Ўзбекистон ва Германия байроқлари билан безатилган қароргоҳ олдидаги майдонда Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Қароргоҳда Ислом Каримов ва Роман Герцогнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов қароргоҳдаги фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди. Германия Федерал Президенти юксак мартабали меҳмон шарафига қабул маросими уюштирди. Маросимда Германия Федерал Президенти Роман Герцог ва Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади.

Шу куни Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси парламенти — Бундестагда бўлди. Бундестаг парламентнинг юқори палатаси бўлиб унга 600 депутат сайланади. Қуйи палата эса мамлакатнинг 16 федерал ерлари вакилларидан иборатдир. Бу ерда Ислом Каримов ГФР Бундестаги раиси Рита Зюсмут билан учрашиб, парламент фаолияти билан танишди. Шундан сўнг «Петерсберг» қароргоҳида Ўзбекистон ва Германия расмий делегациялари музокаралари ниҳоясида қабул қилинган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳаво йўли ҳақидаги ҳамда уюшган жиноятчиликка, терроризмга ва ўта хавфли бошқа жиноятларга қарши кураш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель, Германия Ички ишлар вазирлиги давлат котиби К. Шельтер имзоладилар.

Президент Ислом Каримов Германия ташқи ишлар федерал вазири К. Кинкель билан суҳбатлашди. Суҳбатда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни фирма ва концернлар даражасидан мамлакатлар миқёсига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

...Ташриф кунлари Штутгартда ҳам, Боннда ҳам ҳаво халқларимиз қалбини акс эттирган каби очиқ, ёруғ бўлди. Сафар ниҳоясида эса ёмғир ёға бошлади. Ёмғир қут-барака рамзи дейдилар. Табиат ҳам ҳамкорлигимизга ривож, халқларимизга бахт ва фаровонлик тилаётган бўлса, не ажаб.

***

17 ноябрь куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент —Штутгарт —Бонн — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚИ

Федерал Президент жаноби олийлари!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Германия диёрида делегациямизга кўрсатилган қайноқ ва самимий меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало Ўзбекистон — Германия алоқаларининг ривожланиш жараёни тобора қизғин паллага кираётганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ҳамкорлигимиз атиги бир неча йил бурунгина бошланган бўлишига қарамай, биз бугуноқ бу ҳамкорлик ўзаро фойдали ҳамда Германиянинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам узоқ муддатли манфаатларига мос экани тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Германиянинг Европада ҳам, бутун дунёда ҳам улкан нуфузга эга экани унинг иқтисодий қудрати билангина эмас, бу давлатнинг маънавий ва маданий мероси бойлиги билан ҳам изоҳланади.

Шунинг учун ҳам ҳамкорлигимиз тўғрисида гапирар эканмиз, биз тобора мустаҳкамланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, маданият, санъат, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқаларни ҳам назарда тутамиз.

Кеча Буюк ипак йўлига бағишланган кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этар экансиз, бизнинг ўлкамиз қадим-қадимдан Ғарб-Шарқ мамлакатларини боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилганига ўзингиз ҳам амин бўлган бўлсангиз керак, жаноб Президент.

Бугунги кунда биз Буюк ипак йўли анъаналарини қайтадан тикламоқчимиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ғарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам очиқ бўлиб қолди. Биз барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали шериклик асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, ҳозир жуда кўп мамлакатлар билан ана шундай ҳамкорлик қиляпмиз ҳам.

Алоқаларимиз ҳақида гапирар эканман, мен гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Чунки мана шу алоқаларни ривожлантириш орқалигина Буюк ипак йўлини янги мазмунда тиклаш, рамзий қилиб айтадиган бўлсак, унга иккинчи ҳаёт бахш этиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан, назаримда, бугун имзоланадиган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳаво йўли ҳақидаги битим муҳим аҳамият касб этади.

Биз Германия ва бошқа Европа мамлакатлари билан бу соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайиши бизга яна Шарқ билан Ғарбни боғловчи муҳим йўлларнинг ўртасида туриш имконини беради, деб умид қиламиз. Эндиликда бу йўллар карвон сўқмоқларидан эмас, энг замонавий ҳаво лайнерлари солган осмон йўлларидан иборат бўлади.

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Бутун жамиятимиз оёққа туриш, янгиланиш руҳи билан яшамоқда. Биз ислоҳотлар йўлидаги дастлабки, энг қийин, бироқ шу билан бирга энг муҳим босқични босиб ўтдик.

Бу йўлдаги энг улкан ютуғимиз — Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тобора юксалиб бораётгани, халқимизнинг бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганидир.

Ислоҳотлар аллақачон сезиларли натижалар бермоқда. Миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва савдонинг деярли бутун ҳажмини тобора ўсиб бораётган давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда.

Ўртача ва йирик давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жадал бормоқда. Хорижий фуқаролар ҳам бу корхоналарга тегишли қимматли қоғозларга эга бўлиши мумкин.

Миллий валютани мустаҳкамлаш ва пул қадрсизланишининг олдини олиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Пул қадрсизланиши даражаси йил бошида 16 фоиздан ортиқ бўлган бўлса, бугунги кунда у ойига атиги бир фоизни ташкил этмоқда.

Ўзингиз яхши биласизки, тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, демократик фуқаролар жамиятига ўтишнинг тайёр моделлари йўқ ва бўлмайди ҳам.

Биз ҳозир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланишларнинг дастлабки босқичида турганимизни яхши англаймиз.

Биз учун энг муҳими — кишилар тафаккури, уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, биз учун ҳали янги бўлган демократик қадриятларни уларнинг шуурига сингдиришдан иборат.

Мен бир нарсага аминман:

Мамлакатимизда мулкдорлар синфи, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, майда ва ўртача мулкдорлар синфи пайдо бўлганидагина (барчанинг қашшоқона тенглиги эмас) жамиятимизнинг фаровонлик ва демократия сари барқарорлик билан ва дадил бора олишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир киши учун фақатгина барқарорлик ва хавфсизлик, миллий ва фуқаролар тотувлигигина республикада ислоҳотлар ва янгиланишларнинг муҳим гарови ҳисобланади, деган оддий ҳақиқат аён бўлиб қолган.

Биз янгиланиш, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил ва изчиллик билан бормоқдамиз.

Бир нарсани таъкидламоқчи эдим: гарчи биз иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ўз йўлимизни танлаган бўлсак-да, Германия сингари иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар бу ташкилот билан ҳамкорлик ҳақида битим тузди.

Федерал Президент жаноби олийлари!

Шу йил бошида Давосда сўзлаган нутқингизда Сиз халқаро жиноятчиликни, шу жумладан наркотик моддалар савдоси ва сиёсий террорчиликни ҳам жиловлашга эътиборни қаратган эдингиз. Сиз бу муаммо қийинчиликлардан кўз юмишни эмас, воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишни талаб этишини қайд этган эдингиз. Ҳақиқатан ҳам фалокат оқибатларини тугатишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ кечади.

Бу масалада бизнинг нуқтаи назарларимиз бир-бирига мосдир. Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик ҳамда бошқа хавфли жиноят турларига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланишини мамнуният билан қайд этишим мумкин.

Мазкур битим бу ишга масъул тузилмаларимиз ўртасида ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган ўзаро ҳаракатларга ҳуқуқий асос бахш этади.

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Сизнинг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташриф буюришингиз ўзаро муносабатларимизга кучли туртки бўлди. Шу билан бирга бу ташриф Сиз ҳамда рафиқангиз ҳақида камтарин ва самимий, юксак заковат ва маданиятга эга инсонлар деган ўчмас таассурот қолдирди.

Германия раҳбарлари ҳақида гапирар эканмиз, биз Германия халқи, ўзимиз узоқ муддатли ва ишончли алоқалар ўрнатмоқчи бўлган давлат ҳақида фикр қиламиз.

Бизнинг мазкур босқичдаги асосий вазифамиз — ўртамизда эришилган аҳдномаларни тезроқ ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Биз мана шу йўлдан бораверишга қатъий аҳд қилганмиз.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ НУТҚИ

Жаноб Президент,

Муҳтарама Каримова хоним,

Боннга хуш келибсиз. Сизнинг икки ярим йил аввал Германияга буюрган дастлабки ташрифингиз ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Ўзбекистон мустақиллигининг шу қисқа даврида Сизнинг Боннга иккинчи марта келишингиз ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги яхши ва тез ривожланаётган муносабатларнинг белгисидир.

Мен ва рафиқам шу йил апрель ойида — Ўзбекистонга буюрган расмий ташрифимизни мамнуният билан эслаймиз. Ўшанда Сиз бизни ҳайратга соларли даражада меҳмондўстлик билан кутиб олган эдингиз. Самарқанд ва Бухоронинг ажойиб тарихий меъморлик ёдгорликлари ҳали кўз ўнгимизда турибди, улар бизнинг назаримизни Улуғбек ва Темур даврига қайтарган эди.

Кеча Штутгартда Сиз билан биргаликда Буюк ипак йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб кўргазмани очиш шарафига муяссар бўлган пайтимда ўша манзаралар яна кўз олдимда намоён бўлди. Бу кўргазма кўп немисларни мамлакатингизнинг узоқ ва жозибали тарихи билан таништиради.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланганидан хурсандмиз. Бу давлатни барпо этиш чоғида демократия ва фикрлар хилма-хиллиги йўлини қатъий танлаб олдингиз. Биз бу йўлнинг тўғрилигига ишонамиз ва Сизнинг бу йўналишдаги ҳозирча оҳиста қўяётган қадамларингизни зўр ҳурмат билан кузатиб турибмиз. Турли фикрларни ифода этиш мумкин бўлган демократик жамият давлат барқарорлигининг энг ишончли кафолати эканлигига ишончимиз комил.

Германия билан Ўзбекистон фақат икки томонлама асосда эмас, шу билан бирга Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам, шунингдек Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгашида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Марказий Осиёда хавфсизликни олис келажакка мустаҳкамлашнинг турли йўллари мавжуд. Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиё хавфсизлиги борасида ўтказилган семинар бу ишга Сиз қўшган ҳиссадир. Бу иш эндиликда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида давом этиши керак. Биз ишончни мустаҳкамлаш чоралари ва хавфсизлик соҳасида Сизга маслаҳатларимиз ва тажрибамиз билан ёрдам беришга тайёрмиз.

Буюк ипак йўли олдинги асрларда бири-биридан олисда жойлашган Ўзбекистон ва Германия каби мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар мавжуд бўлганининг далил-исботларидан бири холос. Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ тез ривожланаётганидан фахрлана оламиз. Бир қанча немис фирмалари ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда ё ўз лойиҳалари билан, ёки қўшма корхоналар бўйича шерик сифатида иш олиб бормоқда.

Сизга маълумки, тадбиркорларимиз хорижда давлат ҳокимиятининг кўрсатмаси билан эмас, балки иқтисодиёт ижобий тарзда ривожланишига ишонч ҳосил қилгандагина фаоллик кўрсатади. Демоқчиманки, немис фирмаларининг Ўзбекистонга қизиқиши унинг келажагига бўлган ишончнинг белгисидир. Равшанки, биз бундан буён ҳам иқтисодиёт тараққиёти учун яхши шароит яратишга биргаликда кўмаклашишимизга тўғри келади.

Мамлакатингиз ва қўшиларингизнинг Совет Иттифоқи парчаланиши натижасида кўп сонли эски савдо алоқалари ўзилиб қолгандан сўнг янги иқтисодий маконни барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни зўр қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз. Биз Европада божхона тўсиқлари савдо-сотиқ да иштирок этувчи барча шерикларнинг иқтисодий тараққиётига узоқ муддат зарар етказади деган, хулосага келганмиз. Бироқ, савдо муносабатларини сиёсий муносабатлар каби, барча шерикларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантиришимиз зарур. Иқтисодий устунликдан сиёсий мақсадларни кўзлаб фойдаланиш мумкин эмас.

Сизнинг мамлакатингизда қирқ мингга яқин немислар яшайди. Бу немисларнинг кўпчилиги ёки уларнинг ота-оналари Ўзбекистонга уруш вақтида халқларни ялпи кўчириш натижасида бориб қолган. Сизнинг ватандошларингиз Германия бошлаган урушдан, қатағондан ўзлари азоб тортганларига қарамай, немисларни меҳмондўстлик билан қабул қилиб олишди. Биз бундан жуда миннатдормиз.

Ана шу аҳолининг қисман кўчиб кетаётганини Ўзбекистон ўзи учун зарар деб тушунаётганини биламан. Кўчиб келаётган немисларнинг Германияда кўникиб кетиши ҳам осон эмас. Эшикларимиз немислар учун ҳамиша очиқ, шу билан бир вақтда биз мамлакатингиздаги немислар узоқ келажакда ҳам Ўзбекистонда бой-бадавлат ва тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида яшаш имкониятига эга бўлишлари учун Сизлар билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз. Германия-Ўзбекистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ўтган ҳафтада Боннда бўлиб ўтган биринчи сессияси шу мақсадга хизмат қилди. Сизлар билан ҳамкорликни давом эттиришни хоҳлаймиз.

Президент ва Каримова хоним, Сизларга эсон-омонлик тилайман. Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши муносабатлар янада ривожланаверсин.

САБОҚЛАР ДАВРИ

Истиқлол ва истиқбол

Мустақиллик янгича қарашларни ўзида мужассам этган янги миллий мафкура яратишни тақозо этади. Хўш, мафкура ўзи нима, у нималарга асосланади, у қандай шароитда миллий кўриниш касб этади?

Ҳар бир халқнинг ўз эътиқодига айланган удумлари, анъаналари, урф-одатлари, дини, тўриш-турмуши, ўзига хос етакчи ғояси мавжуд. Ана шуларнинг ҳаммаси бирлашиб тугал мафкурани ташкил этади. Мафкура халқнинг ўзлигидан келиб чиқиб таркиб топади ва маълум халқнинг миллий мансублигини қони ва жонида яшайди. Мабодо, у миллатнинг миллий эҳтиёжларига, энг нозик ҳисларига, маънавий руҳий кечинмаларига мос келмаса, уларни ўзида мужассам этиб, ифодалай олмаса бундай мафкуранинг истиқболи бўлмайди ва узоқ яшамайди. Бунинг ёркин мисолини яқин ўтмишимизда кўрдик.

Хўш, мафкура қачон миллийлик касб этади? У ўзаро низо, шовинистик руҳни келтириб чиқармайдими?! Йўқ, аксинча. Миллийлик — бу миллий кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш эмас! Аксинча, у юксак маънавият, соғлом ақл-идрок кўриги! Бир миллатнинг ғояси, орзуси, армони, обрўси бошқа миллатнинг худди ана шундай фазилатлари билан уйғунлашуви, энг гўзал орзуларининг муштараклигидир. Маълумки, ғоя бир миллатда бир хил бўлса иккинчи миллатда бошқача талқин этилади. Ғоянинг ҳар миллатда ўзига хос кўринишда бўлиши миллийлик нинг янги қирраларини очади ва мафкура учун замин яратади. Мафкурасиз олға бориб бўлмайди. Мафкура давлатнинг бош ғоявий низоми жамият миқёсидаги ишларни тартиб-интизомга солиб турувчи норасмий қонундир. Бошқача айтганда, мафкурасизлик — бу тарқоқлик, бошбошдоқликдир.

Мафкура мамлакат аҳолисининг етакчи ғояси дедик. Ғоя — бу кишининг ички кечинмалари, тушунчалари асосида барча учун бирдай манфаатли бўлган, умуминсоний манфаатларни бирлаштирган ягона йўналишни ташкил қилади. Бироқ, у ҳар бир шахсда ҳар хил кечиши мумкин. Диний ғоя, меҳнатга муҳаббат ғояси, ватанпарварлик ғояси. Бу ғоялар нечоғлик ҳар хил бўлмасин, умумий манфаатлар, мамлакат ва миллат тақдири нуқтаи назаридан бир-бирини тўлдиради.

Шахснинг ғояси, унинг дунёқараши маълум маънода чекланганлиги табиий бир ҳолдир. Бироқ, шахс жамият доирасида яшайди, ундан ташқарида эмас. Ижтимоий ҳаётнинг турли-туман жараёнлари киши онги ва тафаккурида ўз таъсирини ўтказади. Демак, мафкура жамият, давлатнинг амалий сиёсати билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

Ўзбекистондаги миллий мустақиллик мафкураси бутунлай халқчил, халқлар дўстлиги ғояси тушунчасидан иборат бўлмоғи лозим. Мафкура амалий сиёсатга мос келгандагина, у орқали рўёбга чиққандагина давлат мустақиллиги янада мустаҳкамланади. Бунинг уч томони бор: Биринчидан, фақат ўзбек мафкураси дейилса бу миллий чекланишга, махдудликка, худбинликка олиб келади. Балки, уни мустақил давлатнинг **миллий, яъни умумватан мафкураси умумхалқ ғояси,** деб тушунмоқ керак. Иккинчидан, турли ҳаракатлар, сиёсий партиялар мафкураси, йўл-йўриғи ана шу мустақиллик мафкурасидан четда ёки унинг тескариси бўлиб қолмаслиги лозим. Аксинча, турли мафкуралар ягона, бир бутун миллий мустақиллик мафкурасига айланиши лозим. Учинчидан, Давлат мафкураси жаҳон халқлари мафкураси билан узвий боғлиқ бўлиб, ўзбошимчаликка йўл қўйилмайди. Бу мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мустақил тараққий этган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи лозим.

Бундай мафкура айнан бугунги кунда Ўзбекистон учун сув ва ҳаводай зарур. Шунинг учун унинг замини яратилмоқда. Ўтган тўрт йилдан ортиқ вақтда миллий мафкуранинг умумдавлат сиёсати шаклланди.

Мафкура ва амалий сиёсатнинг узвий боғлиқлиги хусусида гап кетганда, шундай савол туғилиши табиий: кўпмафкуралилик асосида иш олиб борган маъқулми ёки яккамафкуралилик маъқулроқми? Бизнингча, бунинг жавоби битта, ҳар қайси партия ўз мафкурасини умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари асосида қурмоғи керак. Шунда ҳар бир партия масалага ўзи учун мақбул усулда ёндашади, бироқ уни ҳал этишда барча кучлар бирлашиб ягона мақсад рўёбига интилмоғи лозим.

Кўпмафкуралилик шароитида доҳийлик даъво қилиш, ўзгалар фикрини тан олмаслик ва ҳатто эшитиш маданиятининг йўқлиги ҳаммавақт мамлакатни таназзулга олиб келади. Масалан Россияда 40 га яқин етакчи партиялар, 2 мингга яқин ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар мавжуд. Ягона давлат мақомидаги миллий ғоя ва миллий мафкура йўқлиги учун ҳам Давлат, Парламент ва ижро ҳокимияти ўзлигича иш тутяпти. Бу эса парокандалик, ўзбошимчалик, ҳар хил низолар, кўнгилсиз воқеаларни, шовинистик гуруҳбозликларни келтириб чиқармоқда.

Яна шуни айтиш керакки, мафкура кишилар, ижтимоий гуруҳлар; халқлар ва ҳаракатларнинг жамият ҳаётининг барча асосий соҳалари — иқтисод, сиёсат, маънавият ва маърифатга нисбатан манфаатли қарашларнинг мустаҳкам тизимидан иборат. Кишилар ўз ҳаётларини яхшилаш, такомиллаштириш учун курашар эканлар, демак, улар бунинг учун нималарга эътибор бериш кераклигини, нимага ва қандай қилиб эришмоқликнинг фикрий ифодасига эҳтиёж сезадилар. Ушбу эҳтиёжни қондириш мафкуранинг ижтимоий вазифасини ташкил этади. Мафкуранинг кўлами, миқёси ва истиқболи учун кимларнинг манфаатлари ифода этилиши, қандай мақсадларга хизмат қилиш ҳамда нималарга таянганлиги билан белгиланади.

Миллий истиқлол — Ўзбекистон озодлиги мафкураси халқимизнинг ижтимоий-этник бирлигининг ҳаётий эҳтиёжларини зарурат даражасида идрок этиш жараёнида вужудга келмоғи лозим. Ана шунда миллий манфаатларимиз воқелигимиздан, унинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий, ижтимоий, маънавий, сиёсий соҳалардаги эҳтиёжлар чуқурроқ англанади.

Миллий мустақиллик мафкураси, деганда миллий воқелигимиздан, мавжудлик қонуниятларидан келиб чиқадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини туб устивор ва салоҳиятли муаммоларни илмий асосда ҳал этиб ривожланишимизнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш уларни рўёбга чиқаришда инсонпарвар, адолатли йўл, усул ҳамда воситаларни белгиловчи ғоя ва фикрлар мажмуини тушуниш мумкин. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада миллий мақсад ва воситалар ягона хонадон — ватан равнақи йўлида бир-бирига муштарак бўлиши, муносиблиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, тўғри мақсадга фақат тўғри воситалар орқалигина эришиш мумкин. Демак, мафкуранинг олий ҳукмдори ҳақиқатдир. Унинг бирдан-бир мезони эса миллий ҳаёт, туб заминда шаклланган турмуш тажрибаси, халқ руҳияти бўлмоғи лозим. Ҳаёт тажрибаси ва халқ орзу-умидига йўғрилган мафкурагина узоқ яшайди.


«Миллий мафкуранинг илмий асосини ишлаб чиқишнинг ягона воситаси илмий методологиядан тўғри фойдаланишдир, — деган эди атоқли файласуф Ҳайдар Пўлатов. — Бунинг учун эса аввало миллий ҳаётга конкрет, тарихий ёндашиш, уларнинг ўзаро алоқасини ва қонуниятлари каби омилларидан воқеликни билиш жараёнида тўғри фойдаланиш керак».

Ҳур Ўзбекистоннинг истиқлоли ва унинг ўз миллий ғояси ҳамда мафкураси шаклланмоқда. Чунки халқимизнинг негизи тоза халқ, улуғ инсонлар яшаб ўтган ва ҳозир ҳам яшаётган халқ. Унинг асрлар оша яшаб келаётган одоб ва ахлоқ дастури мавжуд. Қолаверса, бутунлай янги тарихий шароитларда, инқилобий янгиланишлар жараёнида янгича тафаккур дунёга келмоқда. Бунга бош ислоҳотчи — Давлат кенг имконият яратмоқда.

Марҳабо СОБИРОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспиранти.



Ўзбекистон мебеллари.



Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

РАСМИЙ ТАШРИФ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Франция Республикасига ташрифи давом этмоқда. У ушбу мамлакатда кўпгина ишбилармонлар, тадбиркорлар билан учрашди. Анчагина йирик корхоналарда, фирмаларда бўлиб, у ердаги иш тажрибаларини ўрганди. Қозоғистон ва Франция ўртасидаги бир қанча хужжатларга, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги аҳдномаларга имзо чекилди.

Куни кеча Нурсултон Назарбоев Франция Республикаси Президенти Жак Ширак билан ҳам учрашди.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИГА АЙЛАНДИ

Қирғизистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат Президенти Асқар Акаев бугунги кунда республиканинг қишлоқ хўжалик туманларида уй ҳайвонлари асосий тўлов воситасига айланиб қолганлигини таъкидлади. Натижада қўйлар туёқ сони қарийб ярмига камайиб, айни пайтда 4,6 миллион бошни ташкил этмоқда. Отлар эса 40 минг бошга камайди. Қорамолларнинг 300 минг боши сотилиб кетди.

Лекин давлат қишлоққа йилига 200-300 миллион сом ёрдам пули ажратмоқда. Ҳукумат Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда кўпгина режаларни ишлаб чиқди. Президентнинг таъкидлашича, яқин келажакда қишлоқ хўжалиги мустаҳкамланиб бориб, иқтисодий инқирозга барҳам берилади.

БЕНЗИН КЎПАЙИБ ҚОЛАДИ

Яқинда Қирғизистоннинг ёқилғи билан таъминлаш тармоқларига Хитойнинг Урумчи шиҳридан 2,5 минг тонна бензин келиб тушди. Хитойлик мутахассисларнинг айтишларига қараганда яқин келажакда Қирғизистонга яна кўплаб ёқилғи келтирилади. Бу қўшни мамлакатлар, чунончи, Россиядан бензин сотиб олишни камайтиради.

Ёқилғи-мойлаш материалларини Қирғизистонга шахсий савдогарлар ҳам келтирмоқдалар. Агар бензин ҳозиргидек сифатли ва арзон бўлса (ҳозир унинг ҳар бир литри 2,7 сомдан сотилмоқда) унда яқин келажакда республикани ёқилғи билан таъминлаш янада яхшиланади.

ҚЎШМА БАНК ОЧИЛДИ

АШГАБАДДА 15 ноябрдан Туркманистон — Россия қўшма банки фаолият кўрсата бошлади. Банк бошқаруви раиси Б. Байриевнинг маълум қилишича, ушбу молиявий муассасанинг асосий мақсади икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тўловлар тизимини янада такомиллаштиришдан иборат. Бундан ташқари, банк барча молиявий муассасалар сингари йирик қўшма лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш, сармояларни жалб этиш ишларини ҳам амалга оширади.

МУҲИМ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

АЛМАТИДА МДҲ мамлакатлари вакиллари иштирокида полиомелит ва бўғма (дифтерия) касалликларини олдини олишга бағишланган беш кунлик семинар бўлиб ўтди.

АҚШ юқумли касалликларнинг олдини олиш маркази раҳнамолигида ўтган мазкур семинарда Арманистон, Грузия, Узбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва украиналик 70 дан зиёд мутахассис қатнашди.

СПОРТГА ЁРДАМ

Халқаро футбол ассоциацияси (ФИФА) Душанбе шаҳрида «Футуро» («Келажак») курсини ташкил этди. Унда ФИФА мутахассислари 6 кун давомида Тожикистон футбол федерацияси ходимлари ҳамда футбол жамоалари билан машғулотлар олиб боради. Шунингдек ФИФА ва халқаро олимпия қўмитаси болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари мураббийлари билан ҳамкорликда футбол ривожига бағишланган семинар ўтказади.

ЭЛЧИ ИШ БОШЛАДИ

Тожикистон Республикаси хорижий давлатлар билан дипломатия алоқаларини тобора кенг йўлга қўймоқда. Куни кеча Тожикистон Республикаси билан Дания ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Данияниинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хенрик Рии Иверсен Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлигини топширди.

«ТОШБОДОМ» ТОЖИК САҲНАСИДА

М. Воҳидов номидаги Тожикистон Республикаси давлат ёшлар театри ижодий жамоаси турк драматурги Рамзи Ўзчиликнинг «Тошбодом» драмасини тожик тилида саҳнага қўйди. Мазкур асар илгари Маяковский номидаги рус театрида намойиш этилган эди.

АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ

Душанбе шаҳрида «Тожикистон: Сиёсат ва халқаро муносабатлар муаммолари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Марказий Осиё ва Урта Шарқ минтақасидаги сиёсатшунос, шарқшунос ва тарихчи олимлар иштирок этди. Унда минтақа сиёсий ҳаётига бағишланган 40 дан зиёд маъруза тингланди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон ва жаҳон

ОЛИМЛАР БУРЧИ

Мустақил мамлакатимизда тадбиқ этилаётган фан жабҳалари ичида механохимия соҳаси нисбатан янги саналади. Бу тармоқ эндиликда, реактив тайёралардан тортиб ернинг сунъий йўлдошларигача жорий этилмоқда. Келгуси ҳафтада Тошкентда қаттиқ буюмлар механохимияси бўйича халқаро симпозиум ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу нуфузли анжуманнинг асосий ташаббускори «Фан ва тараққиёт» Узбекистон илмий-технологик комплекси бўлиб, бош ҳомийси «Интерўзбекистон» бирлашмасидир. Симпозиумда МДҲ мамлакатларидан келган вакиллар билан бир қаторда АҚШ, Япония, Швейцария, Италия, Германия, Франция, Исроил, Словакия каби хорижий давлатларда ном қозонган олимлар иштирок этишади.

Бугунги кунда мазкур муаммони ижобий ҳал этиш республикамизда хом ашё базасини кенгайтирибгина қолмай, айни пайтда чет эллардан олиб келинаётган технологияларга маълум даражада чек қўяди. Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари билан учрашувда мамлакатимиз олимлари олдига илмий фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Шу муносабат билан ўтказилаётган мазкур анжуман ҳаётимиздаги етилган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Сойиб НЕЪМАТОВ,
академик.
Аҳмаджон ЮСУПБЕКОВ,
кимё фанлари доктори,
профессор.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

«ТошОР» ҳиссадорлик жамиятида қишлоқ хўжалик техникасининг зарур ва қиммат турадиган деталларини тиклашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир А-01М двигателларини таъмирлаш билан бир қаторда ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги маҳсулотлар ва халқ истеъмоли моллари ҳам чиқарилмоқда. Ўтган йили жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватлари негизида Узбекистон — Россия «Ўзолтойдизельсервис» қўшма корхонаси ташкил этилди.

Яқинда унинг ёнига яна бир қўшма корхона — «Улугбек — Прецизион» ҳам қўшилди. Унинг асосий вазифаси — ёнилғи аппаратларини таъмирланган прецизион деталлар билан таъминлашдан иборат.

Алишер РЎЗИЕВ.

БЕГОНА

Зар қишлоқнинг тонгги ўзгача. Зарафшон дарёси соҳилида жойлашгани учунми бу ерда тонг анча эрта ёришади. Дарёнинг шовуллаши қалбларни жунбушга келтиради. Мансурнинг ёшлиги ана шу қишлоқда ўтди. Эсида, Зулхумор билан дарё атрофидаги тўқайзорда сигир боқар, бекинмачоқ ўйнар, қизнинг сочларини тортқилаб, ғашига тегарди. Ўқувчилик йиллари қайтарилмаскан. Энг қувончли дамлар у қўлига етуклик аттестатни олганда саробга айланди. Мансур Зулхумор га бутун меҳрини қўйган ва унга бир умр вафодор ёр бўлишга онт ичган эди. Шунинг учун ҳам Зулхумор ишқининг тизгинини қўлга ололмади...

Тун бўйи мижжа қоқмаган Мансур тамаки тутатмоқчи бўлди. Чўнтагига қўл солди. Сигаретаси тугабди. Юраги сиқилиб ташқарига чиқди. Сукунат пардаси ҳали борликдан кўтарилгани йўқ. Кимларгадир кенг дунё бу тунда унга жуда тор эди. У беихтиёр дарё томон йўл олди. Дарёнинг кечув соҳилига яқинлашганда ичидан нимадир узилгандек бўлди, қўли бехос чап кўкрагига борди, тошлоққа чўкди. Бу ерга уни Зулхуморнинг руҳи етаклаганди.

Ўшанда Мансуржон қизга берган ваъдасининг устидан чиқолмади. Бечора қиз қишлоқда гап-сўз бўлишдан қўрқиб, ўзини дарёга... Қандай даҳшат! Қишлоқ аҳли эндигина ўн саккизга қадам қўйган қизни тупроққа қўйганда Мансур марказда кириш имтиҳонлари топширарди. Улар ўртасидаги муҳаббатни, аҳд-паймонни ҳеч ким билмасди. Даҳшатли хабарни анча кеч эшитган бўлажак толиб елкасидан оғир юк тушган кишидек эркин нафас олди. Зулхумор бўлмаса шаҳарда нима кўп, қиз кўп. Яна бирини танлаш мумкин-ку!

Тонг ёришяпти. Мансур шу топда хаёллари чувалашиб, ўз-ўзидан нафратланар, ёлғизликда ўтаётган кунларини тутқунлик деб биларди. Ахир, у ҳаётда бирор марта ҳам қоқилмади. Аксинча тезгина мансаб пиллапояларига кўтарилди. Ўқишни битириб, ўзи ишлаган колхозга қайтди. Оз муддат агрономлик қилди. Сўнг хўжалик комсомол қўмитасига котиб этиб сайланди. Марказда ўқигани, дастёрлиги қўл келди чоғи раис бош ҳисобчининг ҳурматини жойига қўйди. Ўша пайтда ички ишлар бўлимлари ходимлари таркибини тадбиркор фирқа аъзолари ҳисобига мустаҳкамлаш сиёсати олға сурилганди. Бу унга асқотди. Оддий лейтенантликдан милиция майорлигига қадар, участка инспекторлигидан ички ишлар бўлими бошлиғи даражасигача кўтарилди. Мансаб, машина, маишат. Ўйлаб қараса, қанчадан-қанча кишилар мушкулини осон қилди, айримларнинг умрига завол ҳам бўлибди. Мана, оқибати, унинг тўлган умр косаси чил-парчин бўлди. Товламачилар тўдасига шерикчиликда айбланиб, маҳбурий хизматга тортилди. Бугина эмас, мансабига ошиқ дўстлари ҳам, энди унга муҳаббатини ҳар қандай қулфга тушадиган калитга айлантириб олган қиз-жувонлар ҳам, андиша пардасини аллақачон кўтарган хотини ҳам минг бор бегона, ёт.

Киндик қони тўкилган шу муъжазгина ҳовлига бир неча йил қадам босмаган, амал, айш-ишрат деб отаоансини бир марта йўқламаган, шаҳардаги данғилламаҳовлисида яшашни афзал кўрган, оқибатда ҳаётнинг аччиқ қисматига дучор бўлганлигига имон келтирган Мансур қишлоғига ҳам бегона бугун. Чунки уни танийдиганларнинг кўпчилиги оламдан ўтган. Энди у ҳеч кимга кераксиз, кўчада ётган тошдек беқадр эди.

«Ҳаммасига ўзим сабабчи. Олмадек етилган вақтида эсимни олган Зулхуморнинг муҳаббатини топтадим. Ўқиб юрганимда яна бир нечта қизнинг юрагига қўл солдим. Ҳатто синфдошим ҳарбий хизматда бўлган кезларида у яхши кўрган қизнинг йўлини тўсганим хиёнат эмасми?» У қайтар дунё эканини, уйланганида ўша оқшом чимилдиқдан қидирганини тополмаганида сезди.

Хаёллар исканжасида эзилаётган Мансур ёнгинасида турган қора шарпани сезди: қўшнининг ити. У олдинги оёқларини ерга тираб турарди. «Мана шу ит ҳам мендан қадрли, қишлоққа фойдаси тегади. Ҳар хил фалокатлардан одамларни огоҳ қилади. Нега энди мен шу ит каби вафодор бўлолмадим? Энди яшашнинг фойдаси йўқ. Зулхумор ва Зулхуморларнинг қарғиши тутди!» Мансур қўёш эринибгина тепалик ортидан бош кўтаришга чоғланаётганда соҳилдан чолдевор бўлиб қолган, ўша бахтиёр болалиги кечган ҳовлисига қайтди. Енгил машинаси юкхонасини очди. Кўзи канистр ёнидаги чилвирга тушди...

НАФРАТ

Феруза қабулхона эшиги олдига келганда уни ҳамшира тўхтатди:

— Бегоналарнинг кириши мумкин эмас!

— Э-ҳе, сени бу ерга ким қўйган ўзи? Қоч йўлдан!

Ҳамшира чеҳрасидан заҳар томадиган бу аёлга бир лаҳза назар соларкан, мунча дилозор бўлмаса, дея кўнглидан ўтказди.

— Ҳув, қиз. Бу ерга Нурободдан касал олиб келишмадими, мунча чайналасан, гапирсанг-чи?!

Ҳамшира кўз олдида бундан ярим соат илгари оғир аҳволда олиб келинган бемор сиймоси гавдаланди. Наҳотки, шу аёл ўша беморнинг жуфти ҳалоли бўлса? Иродасига балли, ўша йигитнинг деган ўй хаёлидан ўтди.

Касалхонанинг жонлантириш бўлими шифокорлари бутун маҳоратини ишга солишди. Беморни ўлим чангалидан қайтариб олишди. Бош ҳаким катта ҳамширага Дамиржон ётган хонага ҳеч кимни киритманг, деб таъкидлади.

Феруза эрининг ҳузурига киролмай оқшомда қишлоққа қайтди. Болалари отамнинг аҳволи қалай, деб сўрашига жаҳл билан жавоб берди:

— Ўлган эмас, тирик! Намунча отангга меҳрибон бўлмасаларинг! Мен касалхонада ётсам шунчалик жонкуярлик қилармидиларинг, ҳа сизлар ота-сиз...

Аёл нима деяётганини билмасди. Болалар маъюс тортиб хона бурчагига бориб ўтиришди. Зафаржон эса ҳўнграб йиғлаб юборди.

Феруза ухлай олмади. Кўз ўнгида эрининг сиймоси гавдаланар, хотирасида мулойим, ширинсўзлик билан эркалашлари, баъзи пайтда кесатишлари тикланди.

Дамиржон Ферузахонга институтда ўқиб юрганида бехос дуч келди. Бу шаддод қиз унга эртаю кеч тузоқ қўйди. Дамиржон ҳам ўрта мактабда ўқиб юрган синфдоши бошқага турмушга чиққанлиги учун Ферузахонни ундан афзал кўрди. Тўйлари бўлди. Ҳар иккаласи қишлоқда ўқитувчилик қиларди. Кунлар, йиллар ўтаверди. Дамиржоннинг собиқ синфдошлари машинада юрадиган, данғиллама уйларда яшаётганини кўриб Ферузахонни хунобби ошди.

— Сиз ҳам эркак бўлиб, алоҳида участка қилсангиз, машина сотиб олсангиз! Э-ҳе, йигитман деб бош кўтариб юрганингизга ўлайми?

Дамиржон оладиган маоши билан хотини талаб қилган ашёларга эга бўла олмаслигини яхши билар, ўзини ноумид қилмасликка ҳаракат қиларди. Лекин ойлар ўтган сайин оиладаги машмашалар унинг бошини гаранг қилди. Кунаро қайнона-келин ўртасидаги даҳанаки жанг, ташқаридаги бир-бирига сохта меҳрибонлик ахир бир кун кимнингдир ҳалокатига олиб келишини тушунарди. Шу боис катта ўғил бўлса-да қишлоқдан олисга хотини билан кўчиб чиқди. Шунда ҳам у тинчимади. Энди икки ҳовли ўртасида бўзчининг мокисидек қатнар, шунда ҳам Ферузанинг «кўнгилёзар» сўзларини ҳазм қиларди. Борган сари хотинининг ҳасад сандиғи тўла борди. Гоҳ ишдан кечикиб келар, гоҳ янги кийим кийиши у учун азага айланарди. Шунда ҳам Дамиржон дардини ичига ютар, уйдаги гапни кўчага олиб чиқмасди. Ҳатто тўйларда озгина кайф қилганда ҳам эл-юртдан уялар, жимгина уйига кириб ётарди. Хотини эса қилдан қийиқ ахтариб, унинг бошига қўни-қўшнини тўпларди.

Ўшанда Дамиржоннинг қўшниси келин туширди. Вақт пешиндан оққанда меҳмонлар уникига ўтишга жазм қилишди. Афсуски, уйда Феруза йўқ эди. Шундай бўлса ҳам Дамиржон меҳмонларнинг кўнглини олди. Уларни хушвақтлик билан кузатиб қўйди. Аммо кечқурун унинг бир оғиз гинасига хотини қўзголон кўтарди. Шу-шу бўлдию, эр-хотин бировларнинг кўзи учун ўзаро «меҳрибон», ичкарида эса ит-мушук эди.

Феруза хаёлидан Дамиржон билан умргузаронлик қилган йиллари, эрига кўрсатган меҳрибонликларини таразига солмоқчи бўлди. Ўйлаб қараса хотинлик вазифасини минг чандон «ўринлатиб» қўйибди. Эрига кўп таъна қилавергани учун унинг нафратига, қаҳрига учраганлигини сезмабди. Эрнинг сўзини икки қилиш, унинг ҳафсаласини пир қилиш, ўзидан совутишига ақли етмабди. Энг қийини бундан кейин унга ким сирдош, ким ёндош, ким суянчиқ бўлишини фаҳмламабди. Оддийгина гап — эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин эканлиги иборасининг магзини чақмабди. Аёл боши билан оилага бош бўлишини, ҳамма унга таъзим қилиши керак деб ўйлабди. Бу хом хаёллар уни сўнгсиз нафратга, худбинлигу, ҳасадга гирифтор қилибди.

Эртасига қўлида тугунча билан у яна эри ётган бўлим эшиги олдида пайдо бўлди. Афсуски, ҳамширалар уни яна ичкарига киритишмади. Эри пойига ўзини ташлаб тавба-тазарру қилишга жазм қилди. Эрининг аҳволини сўради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма унга нафрат билан қарарди...

Даврон БАҲРОНОВ.

Турмуш сўқмоқлари

Саломатлик сандиғи

ҲАВОГА БУЛУТ ЧИҚСА...

Маълумки, одам соғ-саломат бўлса об-ҳавонинг ўзгаришига, қорёмғир шамолларга парво қилмайди. Бироқ биологик фаол ҳаво фронти ўтиши баъзи одамларга ёмон таъсир қилади.

Кўпчилик одамларда ҳавони булут қоплаб, ёғин-сочин бўлган кунларда турли хилдаги биологик кўрсаткичлар ўзгаради. Об-ҳаво ўзгариши олдидан энг аввало инсон асаб тизимининг бошқарув ишига таъсир қилади. Бунда қон хоссаси ўзгариб, ивиши тезлашади, қон лахталари сурилиши кучаяди.

Бундан ташқари, туманли кунларда ҳавода саноат корхоналаридан чиқадиган осма моддалар кўпаяди, бу эса хусусан нафас аъзолари касалланган беморларга таъсир кўрсатади.

Бир куб сантиметр ҳавода одатда 200 дан то 1000 тагача мусбат ионлар бўлади. Ҳаво ҳарорати, намлик, чанг ҳисобига ионлар сони 5000 гача етиши мумкин, бундай вақтда юрак зўриқиб ишлайди, нафас олиш қийинлашади, қон босими ошади ва моддалар алмашинуви кучаяди. Мусбат ионлар кўпайиб кетганда одам бўғилади, боши айланади, ҳоли қуриб, ланж бўлади, ҳатто ҳушидан кетиб қолиши мумкин.

Кўпинча об-ҳаво маълумоти хабар қилинганда ҳаво қуруқлиги, намлигининг ўзгариши айтилади. Ҳаво намлиги 30—55 фоиз бўлганда нисбатан нам, 56 дан 70 фоизгача меъёрида қуруқ, 71 дан 85 фоизгача бўлганда ўртача нам, 85 дан юқори бўлганда эса жуда нам (зах) ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бир кеча-кундуздаги нисбий намлик 81 дан 100 фоизгача бўлганда мия инсультлари кўпаяди, 46-60 фоиз бўлганда эса анча камаяди. Ҳаво нам ҳамда иссиқ бўлса, одамга ёмон таъсир қилади. Одамнинг аъзойи бадани паст ва юқори ҳароратни ҳавонинг намликка тўйинганига қараб ҳар хил кўтаради. Ҳаво ҳарорати 20 даража бўлсаю нам бўлса ва шамолнинг тезлиги секундига 3 метрга етса, ҳаво худди 14 даражадаги каби салқин бўлади. Ҳаво жуда нам бўлганда бемор ҳансираб, юраги ўйнаб, аъзойи бадани қақшайди.

Баъзан об-ҳаво шароити таъсирига баҳо беришда шамол, атмосфера босими, ҳароратни ҳисобга олишмайди. Ҳолбуки, буларнинг қўшилиб таъсир кўрсатиши одам соғлиги учун баъзан хавфли бўлиши мумкин. Кун иссиқ бўлса шамол бўғланишни кучайтиради ва одамнинг аҳволи яхши бўлади. Кучли шамол одамга таъсир қилиб, ҳолдан тойдиради, асабни ишдан чиқаради, нафас олиш қийинлашиб қолади, одамнинг асаб ва томир тизими ноқулай об-ҳаво таъсирига айниқса сезгир бўлади. Ҳаво кескин ўзгарган кунларда томир касалликлари хавфи яна ҳам кўпаяди. Ҳаво нисбатан нам, ҳарорат кескин ўзгариб, шамол тез эсган ёғин-сочинли кунларда юрак- томир касалликлари бор беморлар аҳволи анча танг бўлади, Сернам, булутли, чанг-тўзонли кунлар, хусусан, «Афғоний бўрон» турганда ультрабинафша нурлар ерга яхши тушмайди. Бинобарин фойдали хусусияти камаяди. Бу борада аҳолининг қайси минтақада яшаши, қуёш нурларидан қанчалик баҳраманд бўлиши аҳамиятга эга.

Об-ҳаво кескин ўзгариб турадиган кунларда гипертония кризислари рўй беради, ҳаво таъсирида марказий асаб тизимида функционал ўзгаришлар содир бўлиб, невростения синдромлари бор одамлар қийин аҳволга тушадилар. Об-ҳавонинг ёмонлигидан пайдо бўлган касалликлар анча оғир кечади ва нохуш асоратлар бериши мумкин.

Атмосфера босими жуда пасайиб кетиб, ҳаво совуқ, намлиги жуда юқори бўлса, шамол шимолий-шарқ томондан эсиб, қор аралаш ёмғир ёғиб турса, баъзи беморларнинг аҳволи жуда оғир бўлиб қолади.

Шунинг учун бундай кунларда юраги касал, гипертонияси бор, марказий асаб тизимида ўзгаришлар бўлган одамлар шифокор билан маслаҳатлашиб дорилармонлар ичиб, муолажа олиб туришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Об-ҳаво таъсирига жуда сезгир одамлар касалхонада ҳам, амбулаторияда ҳам, уйда ҳам профилактика тадбирларини кўришлари керак, бу эса ҳар бир одамнинг ўзига хос хусусиятлари, касалликнинг қандайлигига боғлиқ.

Ноқулай кунларда шифокор беморни назорат қилиб туриши, бемор эса ҳис-ҳаяжонлар ва жисмоний зўриқишдан ўзини эҳтиёт қилиши, совқотмаслиги ва исиб кетмаслиги керак. Агар имкон бўлса, ҳаво очилиб кетгунга қадар мураккаб даво муолажаларини олмай тургани маъқул, жуда зарурат бўлганда шу кунларда бемор учун яхши микроиқлим яратиш, касалхонада қатъий режимга риоя қилиш зарур.

Об-ҳаво реакцияларининг олдини олиш учун режа асосида ўтказиладиган қуйидаги чора-тадбирларга амал қилмоқ керак.

1. Беморларни диспансер кузатувига олиш ва даволаш.

2. Ҳар йили камида бир марта юрак-томир тизимининг жисмоний чидамлилигини велоэргометрия усулида аниқлаб, беморларга ҳолига яраша қурби етадиган иш тайинлаш.

3. Бош миянинг гемодинамик ҳолатини РЭГ усулида функционал синамалар (нитроглицерин, бошни уёқ-буёққа буриш ва ҳоказо) билан аниқлаш.

4. Уйқу, овқатланиш, меҳнат қилиш тартибига риоя қилиш.

5. Семириб кетмаслик.

6. Очиқ ҳавода иложи борича кўп бўлиш.

7. Ҳар куни эрталаб албатта бадан тарбия ва ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланиш (айни вақтда бемор бошини ва бўйнини ўзи массаж қилиши ҳамда бошқа соғломлаштирувчи тадбирлар, шунингдек санаторий-курортда даволаниш) керак.

Бундан ташқари, бемор даво физкультураси билан шуғулланиб туриши, чиниқиши, ҳафта давомида 3—4 марта очиқ ҳавода ялангоч юриши, бошини ва бўйнини ўзи ишқалаб туриши, қувватига қараб албатта пиёда юриши, дори-дармонлар ичиши ва игна санчиб даволаниши керак.

Айни пайтда мавсумий об-ҳаво профилактикасида барча беморларга ҳар куни шартли равишда «Эффект» деб аталадиган қуйидаги аралашмани тавсия қиламиз. 100 г. янчилган ёнғоқ, 100 г. алоэ шарбати, 300 г. асал, 1 ош қошиқ лавлаги суви, 1 стакан наъматак дамламаси ва битта лимонни сиқиб, яхшилаб аралаштириб, касаллик босқичидан ва об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар ҳар куни 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бу дорини ичишдан олдин меъда шираси кислоталилигини аниқлатиш керак. Меъда шираси кислоталилиги паст бўлса, уни овқатланишдан 10 минут олдин, ошган бўлса 1 соат кейин ичилади.

Нина санчиб даволаш мавсумий метеропрофилактикада жуда яхши наф беради, бунда тонус ошиб, спастик ҳолатлар енгиллашади.

Шошилинч равишда метеопатик реакцияларнинг олдини олиш учун томир марказидаги ҳис-ҳаяжон қўзғатувчанлигини йўқотиш ниятида хуруж вақтида ёки эртаси куни қўлланилади.

Об-ҳавонинг нохуш таъсири олдини олиш мақсадида беморлар ўзларини жуда авайлашлари, оғир иш қилмасликлари керак, об-ҳаво жуда ёмон бўлса 1-2 кун ўрин -кўрпа қилиб ётгани маъқул. Бу вақтда ҳовузда чўмилмаслик, даво физкультураси билан шуғулланмаслик, балчиқли ва умумий физиотерапевтик муолажалар олмаслик керак. Оз-оздан юриб туриш, электрфизиологик текширишлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Палатада ёки уйда ҳаво ванналари олиш керак.

Юқорида айтиб ўтилганларга амал қилинганда об-ҳаво айниганда ҳам юрак-томир касаллиги бор бемор унча қийналмайди.

Наби МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизлар учун 1995 йил 22-25 ноябрь кунлари «Молдова ҳамкорликка чорлайди» кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада ультратовуш дефектоскоплар ҳамда қалинлик ўлчагичлар, совутгич-иситгич машиналари, совутгичлар, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, маиший насос қурилмалари, электрон-ҳисоблаш техникаси, телевизор, телефон, самовар, мебель, қурилиш фурнитуралари, кийим, пойабзал, гиламлар, чарм маҳсулотлари, сабзавот консервалари, атторлик ва пардоз буюмлари ва бошқа нарсалар намойиш қилинади.

Сизларни ҳар куни соат 10 дан 17 гача кутамиз.

Манзилимиз:
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.
«Ўзэкспомарказ» 5-павильон.
Маълумот учун телефон: 34-45-45.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ "ТОШЭКСПЕРТИЗА" ФИРМАСИ

ТИЖОРАТ ВА ОЛДИ-СОТТИ ИШЛАРИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН, ҚУЙИДА МИСОЛ КЕЛТИРИЛГАН БИР ҚАТОР НОҚУЛАЙЛИКЛАРДАН СИЗНИ ХАЛОС ЭТАДИ.

БИРИНЧИ ВОҚЕА:
республикамиздаги фирмалардан бирига хориждан тонналаб импорт пиво жўнатилган эди. Ҳужжатлари жойида, автоуловга пломба урилган. Бироқ юк етиб келгач, очиб қарашса, юкнинг деярли ярми йўқ. Ноилож қолган соҳиб "ТОШЭКСПЕРИЗА"га мурожаат этди. Аммо энди кеч эди.

— Машинадаги пломбани бизнинг иштирокимизда очишганида эди, бу муаммо ижобий ҳал этилган бўларди, яъни ўртадаги чиқимни қонуний йўл билан чегириб ташлаттирган бўлардик, — дейди идиш ва озиқ-овқат бўлими бошлиғи Ҳусниддин Ризметов.

ИККИНЧИ ВОҚЕА:
яна бир фирмага ўзга юртдаги ҳамкоридан дераза учун ойналар жўнатилади. Юк етиб келгач, буюртмачи контейнерни очиб қараса, ойналар бир-бирига ёпишиб ётибди, ажратишнинг ҳеч иложи йўқ. Ёки яна бир ташкилотга ҳам шу йўсинда ойна келган. Бироқ ойналарнинг барчаси синиб, бир уюм ташландиққа айланган. Уларнинг соҳиблари ҳам "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этган. Лекин ғишт қолипдан кўчган эди.

— Негаки, улар контейнер пломбасини экспертларимиз иштирокида очишлари керак эди. Улар эса... Қанийди, барча ҳужжатлаштириш ишлари биз орқали расмийлаштирилса ва юклар экспертларимиз иштирокида қабул қилинса, юртдошларимизнинг сихи ҳам, кабоби ҳам куймасди, — дейди уй-рўзғор ва маданий моллар бўлими бошлиғи Карина Авакянц.

УЧИНЧИ ВОҚЕА:
бир тижоратчи аёл Челябинскка жуда кўп телпак олиб борибди. У ёқда божхона ходимлари ушлаб, молини "ҳибс"га олишибди. Чунки маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги ҳужжатлари йўқ экан-да. Бу аёл ҳам Челябинскда қолган молини ундириб олиш учун "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этган.

— Ўзбекистондан четга мол олиб чиқишдан аввал бизга мурожаат этганида эди, қонун буйича ҳужжатлаштириб берган бўлардик. Қарабсизки, бож ва солиқ тўловлари имтиёзли бўларди. Бундан ташқари тижоратчи юқоридагидек аҳволга тушмасди, — дейди (республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тасдиқлаш) сертификат бўлими бошлиғи Баҳодир Махсумов.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!

"ТОШЭКСПЕРТИЗА" директори Тоҳиржон Асадовнинг таъкидлашича, фирма бутун дунё сертификатлаштириш бюролари билан ўзаро ишончли алоқаларда иш юритади. Улар фирма расмийлаштирган ҳар бир ҳужжатни тан олади. Чунки фирма шундай ҳуқуққа эга.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, барча муассаса, корхона, ташкилот ва фирма раҳбарлари! Ўзбекистондан мол олиб чиқиш ва четдан маҳсулот олиб келиш борасидаги ҳужжатлаштириш ишларида "ТОШЭКСПЕРТИЗА" сизга ҳамкор бўлади ва бу борада ўз хизматларини таклиф этади. Масалан, озиқ-овқат, хўжалик-атторлик, фармацевтика, атир-упа, оргтехника, саноат моллари, тикув буюмлари, пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг сон ва сифатини текширувдан ўтказиш, маҳсулотларнинг либ чиқиши тўғрисидаги сертификат ҳамда мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, шунингдек, арбитраж ҳуқуқи берилган лабораторияларда тадқиқотлар ўтказади. Турли тижорат ишларида қуйди-чиқидан ҳоли бўлай десангиз "ТОШЭКСПЕРТИЗА"га мурожаат этинг!

Мурожаат учун телефонлар:
39-48-07, 33-02-67, 36-11-83, 33-02-89, 36-34-10, 33-40-05.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 16[a] уй.
Мўлжал: собиқ милиция мактабининг қаршисида.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

Машҳур "БЕТА" халқаро ўртоқлик фирмаси кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда Цейлоннинг олий навли чойларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ





Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан бутун дунё бурчакларида маълум ва машҳурдир.

Машҳур чой турлари:
BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ)
BETA TEA (БЕТА ЧОЙ)
HOWDAH TEA (ХОУДАХ ЧОЙ)
Шоколад турлари:
GOLD GRAND (ГОЛД гранд)
MONDIL (МОНДИАЛ)

Бизнинг манзил:

Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 119.

Телефонлар: 48-04-97, 48-05-10
Факс: 48-09-90.

"БЕТА" Ўзбекистоннинг барча аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД"

Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.

«Гулистон» журнали 70 ёшда

ҚОДИРИЙЛАР ЁҚҚАН ЧИРОҚ

«Гулистон»нинг умр тўйи ҳақида севимли газетамиз саҳифаларида сўзлашнинг муҳим ҳаётий-тарихий сабаблари бор. Гап шундаки, мазкур нашрнинг илк салафи бўлган «Ер юзи» журналини яратиш фикри ва режалари шу газета (у маҳаллар «Қизил Ўзбекистон» эди) даргоҳида туғилди ва ўша йилнинг ноябрь ойида «Ер юзи» газетага илова тарзида дунёга келди. Шунингдек, ўша йиллари «Қизил Ўзбекистон» газетасини бошқарган Комил Алимов журналга ҳам муҳаррир, газета масъул котибининг муовини Аъзам Аюбов эса унга масъул котиб этиб тайинланди.

Журналнинг илк сонини тайёрлашда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Хуршид, Санжар Сиддиқ каби атоқли адиблар ва журналистлар бевосита бош-қош бўлишди. Унинг илк сонида босилган Чўлпоннинг «Бу нима нарса?» шеъри «Ер юзи»нинг дунёга келиши муносабати билан ёзилган бўлиб, унда журналнинг мақсад ва вазифалари қуйидагича баён қилинган эди:

«Бу нима нарса?» —
Деб ҳар ким сўраса,
Дейман: «Ер юзи».

Ҳар ерда юрар,
Ҳар шайни кўрар,
Дунёнинг кўзи.

Дунёни овлар,
Ҳар кимни товлар,
«Фото»ҳон қизи!

Китобга қўлдош,
Газетга йўлдош,
Омманинг сўзи!

Тили ўқишли,
Элга ёқишли,
Ўзбекнинг ўзи.

Дарҳақиқат, «Ер юзи» журнали илк сонларидан ўзини катта ижтимоий-маънавий ҳаёт йўлига етаклаб олиб чиқиб қўйган «газетага йўлдош» бўлиб, ижтимоий-маърифий бир нашрга, Чўлпон айтганидек, «дунёнинг кўзи»га айланди.

Шуни алоҳида эслаш керакки, «Ер юзи» миллий қадриятлар, анъаналар, халқнинг миллий ўзлиги, тарихи ва халқ ижодиётини илк сонлариданоқ асосий мавзуларга айлантирган. Ҳолбуки, худди шу йилларда ўлкада синфий-большевистик мафкура ҳукмрон отига минган, миллий маданиятга, меросга, маърифатга нописанд, кўпроқ туб аҳолини оврўполаштириш мақсадини кўзловчи бир ёқлама маданий инқилоб амалга оширилаётган эди. Бундай шароитда «Ер юзи»нинг миллий асослар тарғиботига киришгани, халқни ўзлигини унутмасликка даъват этиши ғайримафкуравий йўл ҳисобланиб, мавжуд тузумнинг ғашини келтирмоқда эди. Натижада журнал фаолияти «қайта кўриб чиқилиб», 1932 йилдан бошлаб номи «Ўзбекистон қурилишида» деб ўзгартирилди ва унинг олдига «социалистик қайта қурилиш йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётини акс эттириш» қатъий вазифа қилиб қўйилди. Афтидан, бу журнал халқ ўртасида аввалгидек обрў топмади ва унинг олтита сони чиққач, бир муддат танаффусдан кейин, 1934 йил сентябрь ойидан журнал «Машъала» деган янги ном билан нашр этила бошланди. «Машъала»нинг ҳам беш сони чиқиб, ниҳоят, 1935 йил февралидан журнал «Гулистон» номи билан нашр этила бошланди.

Журнал 1937 йилдан кейин янги мафкурага анча ҳамнафаслашди. Унда босилган мақолалар, шеърлар, очерклар, рангли ва оқ-қора суратларда маданий инқилоб мавзулари, «колхозлаштиришнинг афзалликлари»га катта эътибор берила бошланди. Шундай бўлса-да, «Машъала» ва «Гулистон»нинг 30-йилларнинг биринчи ярмидаги сонларида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Ойбекнинг «Навоий», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ҳ. Шамснинг «Ҳуқуқ» романларидан, Ғ. Ғуломнинг «Ёдгор» қиссасидан парчалар эълон қилиниб, журнал адабий тараққиётга катта хизмат қилиш билан бирга халқ онги ва қалбига юксак маънавий неъматларни ҳам инъом этишга муваффақ бўлди.

1937 йилларда зўрайган қатағон «Гулистон»га катта зарар келтирди. Унинг таҳрир ҳайъати аъзолари С. Сиддиқ ва А. Аюб журналнинг суянган маънавий раҳнамолари А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ҳибсга олинди. Журнал қийналиб қолди. Иккинчи жаҳон уруши бошланган 1941 йилда эса «Гулистон»нинг фаолияти бир неча бошқа нашрлар қаторида тўхтатиб қўйилди. Журнал 1967 йил қайтадан дунёга келди. Кейинги ўн йилликларда эса унинг эл ўртасидаги обрў-эътибори ошиб кетиб, юз минглаб нусхаларда нашр этила бошланди. «Гулистон» ўзининг тарихий-ижодий анъаналарини сақлаб қолиб, янада ривожлантирди. Ҳамон «қизил» мафкура мавқелари мустаҳкам бир шароитда журнал миллий қадриятларимиз дурдоналарини ўз саҳифаларига олиб чиқди. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» чоп этилиши бунинг энг ёрқин мисоли. Ўзбекларнинг пайдо бўлиши ҳақида «Қабиладан — элатга» номли мақола босилди. Ўқувчилар унинг саҳифаларида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ҳақида мақола ва ундан намуналарни, «Шайбонийхон» шеърий тарихномасини Э. Воҳидов таржимасида Расул Ҳамзатовнинг чуқур миллий руҳ билан суғорилган «Дағистоним» номли машҳур асаридан парчаларни ўқидилар. Булар «Гулистон»ни ўқимишли нашрлардан бирига айлантирди.

Биз ҳозирги «Гулистон»чилар ва журнал муштарийлари оғир даврда инсоний матонат кўрсатиб ва жасоратли ижодий меҳнати билан «Гулистон»ни халқ орасида севикли нашрга айлантириб келган барча ўтган устоз журналистлар, адиблар хотираси олдида таъзим қиламиз.

Журнал ҳаётида кейинги йилларда айрим ўзгаришлар юз берди. Биринчидан, у ўзига ҳаммаслак «Нафосат» журнали билан бирлаштирилиб қайта ташкил этилди ва «Гулистон» номи билан чиқишда давом этмоқда. Иккинчидан, журнал республикамиз Маданият ишлари вазирлиги муассислигида чоп этилмоқда. Давр тақозоси билан юз берган бу ўзгаришлар журналнинг ғоявий-ижодий йўналиши ва мундарижасига ҳам ўз таҳрирларини киритди. Бугун унинг саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, адабиёт, санъат мавзулари билан бир қаторда бевосита маданият муаммолари, маданий-маиший муассасалар ҳаёти ва фаолияти, бу жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам етакчи мавзуларга айланди.

Биз — «Гулистон»чилар доимо фахрланмоқ ва ғурурланмоққа ҳақлимиз. Чунки 20-йилларда Қодирий, Чўлпонлар ёқиб кетган табаррук чироқни бугун ҳам ёқиб юрибмиз.

Михли САФАРОВ,
«Гулистон» журнали бош муҳаррири ўринбосари.

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ БОҚИЙ БЎЛСИН

Мен билган «Гулистон» етмиш йил орасида ўзининг номини неча марта ўзгартирган бўлса-да, аммо моҳиятан, мазмунан ўзак ва ўзлигини йўқотмади.

Кечагидай эсимда: Абдулла Орифнинг «Митти юлдуз»ни ёш юракларни чақмоқдай ларзага келтириб қўлма-қўл ўқилаётган дамлар. Унинг ҳар бир сатри, шеърини излаб юрган ўқувчилик йилларимиз... Бирдан «Гулистон»да «Юзма-юз» манзумаси қоп-қора осмонда чарақлаган юлдуздек пайдо бўлди. Ана шунда Абдулла Ориф мухлислари «Гулистон» мухлисларига айланди. «Гулистон» мухлислари Абдулла Ориф мухлисларига айланди.

«Темур тузуклари» эълон қилинганда-чи?.. Эҳ-е, ўтган йилларни эслаш осон, лекин ўша маҳалларда бундай асарларни эълон қилишнинг ўзи катта жасорат эди.

Бугун ўша кунларни ёдласам, бир ҳақиқат аён бўлади: аввало Қодирий, Чўлпон домлалар юрагининг ўтли чўғлари сингари «Гулистон» кейинчалик ҳассос ижодкорлар Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматовларнинг бетиним меҳнати ила камолотга эришди. Бу боқий анъана бугун ҳам давом этаётир. Илло, буюкларнинг назари тушган Муборак маърифат манзили омон бўлсин!

Азим СУЮН.



Шоир Шукрулло «Гулистон» меҳмони.

Шоир ва адиб Музаффар Аҳмад кўп йиллардан буён Хоразм хонлиги тарихи, саройдаги санъат ва адабиёт муҳити, воҳада яшаётган ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ҳаёти, дўстлиги, халқ бахшилари ва созандаларининг устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида мақола ва тарихий эсселар эълон қилиб келмоқда. Унинг «Феруз ва Кауфман» номли тарихий-драматик манзумаси ҳам «Гулистон» журналининг юбилейига бағишланган 5-сондан ўрин олган. Қуйида мазкур манзумадан бир парча ўқийсиз.

ФЕРУЗ ВА КАУФМАН

(тарихий-драматик манзумадан парча)

Иккинчи кўриниш.
Хон ҳовлидаги боғнинг ичи. Феруз изтиробли каёллар исканжасида ёлғиз айланиб юрибди. Юз-кўзида чексиз-адоқсиз мунг ифодалари.

ФЕРУЗ

Икки йўл бор менга олдда — икки тубсиз чоҳ:
Бири — қарам, мутеъ бўлиб, қулдай яшамоқ,
Бу шармисор-шармандалик, йўли, албатта,
Эрк, озодлик, мустақиллик йўқ мамлакатда
Озор чекар боболарнинг мағрур руҳлари,
Суниб битар тарихлардан шаън-шукуҳлари.
Давлатчилик, дин-диёнат ишлари сўзсиз
Қаттиқ зарб еб, бора-бора йўқолар изсиз.
Қарам юртда нураб тушар адолат уйи.
Авжга минар мазлумларнинг жабри, оҳ-войи.
Меҳр-мурувват, ривож-равнақ, зиё йўқолар,
Ҳақсизликлар, ҳийла-найранг, зино кўпаяр.
Тил кесилар, халқ бўлинар, юрт йўқолади,
Минг-минг йиллик одат, дастур, урф
йўқолади.
Қарам юртда туғилади эрксиз авлодлар.
Пайдо бўлар хотинаклар, сотқин зурёдлар.
Қарам юртда яшаб, эрксиз кечириб даврон,
Халқ руҳини асрамоққа бўлгайми имкон?!
Боболарим қарам бўлиб яшаган эмас,
Мен ҳам қарам яшамоқни қилмасман ҳавас!

(бошини тиклаб)

Икки йўл бор менга олдда — икки тубсиз чоҳ;
Иккинчи йўл — озодлик деб яшамоқ, ўлмоқ!
Бу йўл ёвга тиз чўкмаслик, кураш йўлидир,
Эрк, ҳақиқат, ҳуқуқларни сураш йўлидир,
Ғозибирлик борми бизнинг туркий
қавмларда?
Бир-бирини қуллагайми муҳтож дамларда?
Ераб, бир халқ, бир тил, бир дин бўлиб
ўзбеклар,
Парчаланиб, учга-тўртга бўлиниб ётар!
Душман эса ғоят маккор, ғоят муттаҳам,
У чангалга олмоқ истар кенг дунёни ҳам.
Мен Ватанни юҳо аждар оғзига ташлаб,
Агар борсам ботирларни ўлимга бошлаб,
Бу юрт унда кимга қолар? Унда ким қолар?
Жавоб беринг, азиз руҳлар, мардлар,
боболар?
Зор, илтижо, умидларим айлабон қабул,
Жавоб беринг, сарвар бобом — Муҳаммад
расул!...
Кўксим тўла зор, илтижо, ғам-армон, умид,
Йўл кўрсатинг, пирёр отам — Паҳлавон
Маҳмуд!
Тошиб борар бўзловларим, йиғи-ҳасратим,
Йўл кўрсатинг, валитарош Кубро ҳазратим!
Йўл кўрсатинг қадим туркий султонлар,
беклар, —
Қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз,
ўзбеклар!

Ўтиради, муқаддас руҳларни ёдлаб,
Қуръон карим оятларини ўқийди.
Қўшиқ куйлаб келаётган қизалоқ унга
яқинлашади.

ФЕРУЗ

Қизим, сенинг отинг нима?

ҚИЗАЛОҚ

Отим Гулистон.

ФЕРУЗ

Отанг кимдир?

ГУЛИСТОН

Отам менинг шу боғда боғбон.
Ҳозир уйда қорнидан қон оқиб ётибди,
Уни урис соллод аямасдан отибди.

ФЕРУЗ

Онанг борми?

ГУЛИСТОН

Онам мени туққанда ўлган,
Мени эса опабийим парвариш қилган.

ФЕРУЗ

Опабийинг қайда?

ГУЛИСТОН
(ўйланиб туриб)

Опам — кундуз тўлада,
Тунда эса мизғиб олар у молқўрада.
Юзларига суртиб олган куя, ахлат, гунг,
Одам қўрқиб кетар уни курганидан сунг.
Ўзи ёмон чиройли қиз...

ФЕРУЗ

Ҳуш, нега бундоқ?

ГУЛИСТОН

Соллодлардан қочиб юриб,
қўрққаниданоқ,
Шундай бадруй бўлиб олди, уйга кирмайди,
Менга чўрак, отамга ҳам овқат бермайди.
Оға, ҳозир бизнинг қишлоқ жувон-қизлари
Қўраларга яшринганлар, куя — юзлари!
Мен дим очман... Оға, менга беринг из айтиб,
Қачонгача қиз-жувонлар яширинар бейтиб?
Соллодлар-чи, топиб олса опабийимни,
Улдирарми, урадими, не қилар уни?
Оға, сизда милтиқ борми ё қилич, камон?
Опабийим қўлга тушса, уни, оғажон,
Сиз қутқара оласизми? Қаҳрамонмисиз?
Гавдангиз топ девга менгзар,
паҳлавонмисиз?
Оға, нега кўзингизда ёш бўлди пайдо?
Оға, сиз ҳам қўрқасизми соллодлардан ё?

ФЕРУЗ
(энтикиб)

Йўқ, қўрқмайман! Мен қўрқмайман! Асло
қўрқмайман!
Жоним қизим, жоним борки — сени
қўриқлайман!
Отанг, опанг, қизлар, барча қавму
қариндош,
Омон яшар шул Ватанда! Садқаи кўзёш!
Қизларга айт, юзин ювсин, чиқсин
қўрадан,
Онт ичаман: мен барига чора кўраман!!!

(Гулистон чиқади)

Онт ичаман: мен барига топаман тадбир!
Мен айёрга айёр энди, ботирга ботир!
Оғир шартлар қўйса қўйсин муттаҳам
ёвлар,
Мен халқимнинг фойдасига тикаман
довлар!
Шартларингни тузавергин, қабоҳат
душман:
Халқим учун барин-барин қабул қиламан.
Тиз чўкишми — тиз чўкаман қиличим
билан!
Қасос, алам изтиробим, ўкинчим билан!
Бош эгишми — халқим учун бош ҳам
эгаман,
Ғуруримни эзиб-букиб ёш ҳам тўкаман!

(ўрнидан туриб)

Оғиз бир бўл, азиз халқим, юртим,
Ватаним!
Узбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз,
туркманим!
Оғзи бир бўл, биз каби бош эгмайин
десанг,
Оғзи бир бўл,бир-бир улиб кетмайин
десанг!
Шундай умид, изтироблар, армонлар
билан
Мен ҳозир ёв шартларини қабул
қиламан...

(кетади)



КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ- БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаётган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар:

"Дори-дармон" Тошкент, Мирзамавлон Мирзаўлатов кўчаси, 1-А, Тел. 48-27-74.
"Ўзбекистон-Иверсон ЛТД" Тошкент, Фурқат кўчаси, 1. Тел. 45-12-49.
"Фармед", 700132, Тошкент, Ибрат кўчаси, 1. Тел.: 47-98-90, 47-98-94.
"Жўрабек Шеринг", Тошкент, Содиқ Азимов кўчаси, 65.Тел.: 32-34-24, 33-37-30,
"Алпджон" компанияси, Тел.: 727-05-62, 890-77-16
"Эджэаджибаши" Тел. 78-56-51.

Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юқорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Қизил олма" дастури офисига:
78-41-43 телефони бўйича
қўнғироқ қилинг.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қузги кемачалар». Мультфильм.
18.20 «Пул қадри».
18.40 Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаларининг концерти.
19.15 Шифокор маслаҳати.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Футбол шарҳи.
20.20 «Нафосат гулшани». Саодат Ҳайталиева.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Бандунгдан — Картахенгача». Қўшилмаслик Ҳаракатининг XI конференцияси хусусида Олий Мажлис раисининг ўринбосари Акмал Қосимов билан суҳбат.
21.55 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Бу бўстон аро...».
19.40 «5+1». Ёшлар учун кўрсатув.
20.20 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм.
21.40 — 22.10 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гармонь мусиқаси». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 Телефильм.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Қурьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — «О».

СЕШАНБА, 21

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тасвирий санъат.
11.00 Композитор Сайфи Жалил асарлари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Ёшлар билан юзма-юз».
12.40 Немис тили.
13.10 «Қўнғироқча». Тележурнал.
13.40 — 15.40 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.50 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Ҳуршиди жаҳон келди». Хоразм халфачилик санъати.
22.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.20 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.05 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.20 «Кинонигоҳ».
22.00 «Теле-ателье-шоу».
22.10 «Табиат дунёси».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Абу-Бакар». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Фармон ва ижро».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Чинсэн».
22.10 — 23.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 «Ассалом, япон тили!».
12.35 «Созимиз—овозимиз». Мусиқий дастур.
13.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
13.35—15.35 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри артистларининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Мен ва дунё».
20.25 «Нон ва саломатлик».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Фарғона вилояти.
22.05 Эстрада тароналари.
22.25 «Хотира». Халқ артисти Наби Раҳимов.
23.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.40 Эълонлар.
23.45 — 24.00 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:
18.30 «Уй ҳайвонот боғи».
18.55 «Кинотриада».
19.55 «Қувноқ суҳбат».
20.25 «Шоҳсупа сари».
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.55 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Саховат алифбоси». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 «Мармар жилоси». Телефильм.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 23

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Кундузги сеансга иккита билет». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Сизга таъзим». Янгийўл тумани хотин-қизлар фаолиятидан.
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
12.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
13.00 Ўзбек куйларидан концерт.
13.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз»
14.00 — 15.25 «Кўчатлар». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Футбол майдонларида.
20.35 «Юзма-юз».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Туркистон — умумий уйимиз».
22.05 «Олтин мерос». Тўхтасин Жалилов.
23.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нодир хазина».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.35 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:
18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нарзанлар водийси». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 «Жонли сайёра».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгича нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.15 «Америка юлдузлари». Жаҳон киноси юлдузлари ҳақида.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 «Мокшадаги қўриқхона». Телефильм.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 Эстрада юлдузлари куйлайди.
21.55 — 22.30 «Қиймат ва қиммат».

ЖУМА, 24

ЎзТВ I
7.00—9.00 «Ассалом; Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ҳабиб Абдуллаев».
9.30 Немис тили.
10.00 «Яхшиларга эргашиб». Телеочерк.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Андижон вилояти «Олтинсоз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
12.20 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».
12.50 — 14.00 «Сирли шарча». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 1-қисм.
19.05 «Бизнинг интервью». Ёш аёлларга одоб, ахлоқ мавзуида олимлар, кекса оналар маслаҳатлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Фан фидойилари». ЎзРФА мухбир аъзоси Раҳима Аминова.
20.40 «Яна бир интервью». Оилада эркакларнинг ўрни ва роли ҳақида.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Волидангни рози қил». Ахлоқ-одоб ҳақидаги мусиқий дастур.
21.45 «Ўзингни эр билсанг».
22.25 Спорт таҳририяти кўрсатади: Бокс. Теннис. Футбол.
23.05 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.45 Эълонлар.
23.50—00.05 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдимида:
18.30 «Дунё болалари».
19.00 Ёшлар ижро этади. Тошкент Давлат консерваторияси талабалари билан учрашув.
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Шаҳар юмушлари».
20.55 «Саодат» билан учрашув.
21.25 — 22.40 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эзгу ишлар соҳили». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 «Жонли сайёра».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультқарусель».

«ОМАД» тақдимида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгича нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.15 «Америка юлдузлари». Жаҳон киноси юлдузлари ҳақида.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

ШАНБА, 25

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Автомобилдан сақлан». Бадиий фильм.
10.30 «Саболарда орзу яшар». Мусиқий дастур.
11.00 «Умр йўллари». Толиб Йўлдош.
11.35 «Ёдингиздами». Кинокўрсатув.
12.15 «Санъат ғунчалари».
12.45 «Ёшлик» студияси. «Иқбол». Қизлар беллашуви.
13.45 — 15.45 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.05 «Салом, ёшлар!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Имкон чуқурлари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.20 «Ишингиз бароридан келсин!».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 «Оҳанглар оғушида». Дам олиш кинодастури.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Юлдузли онлар». Дам олиш дастури.
22.25 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар Нурматов.
23.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдимида:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
10.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.50 «Кинонигоҳ».
12.40 «Табиат дунёси».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
«Тошкент» студияси тақдимида:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Менинг кўчам».
19.25 «Коллекция».
20.05 «Кичик дебют».
20.35 «Ҳамкасблар».
21.05—22.35 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Болалигим ўтган уй». Телефильм.

18.20 — 21.40
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

23.20 — 00.05 «Интиҳосиз». Бадиий телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Айчурек» (қирғиз тилида).
10.40 «Безнен мирас» (татар тилида).
11.20 «Умид» (уйғур тилида).
12.00 «Мусиқий учрашувлар».
12.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
12.55 — 13.50 «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Миср киносанъати».
21.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.45 «Би-Би-Си». янгиликлари.
21.55 «Салом, Франция!».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 23.05 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ I
7.00—